

«МУСТАЛАҲУЛ ҲАДИС» илмидаги янгиланиш

16:13 / 18.04.2017 4016

Ислом оламидаги умумий тушкунлик, жумладан, исломий илмлардаги тушкунлик даврида бошқа барча илмлар қатори ««Мусталаҳул ҳадис»» илми ҳам эътиборсиз қолди. Эски китобларни чанг босди. Янгиси эса, умуман ёзилмай қолди.

Ўтган милодий асрнинг биринчи ярмида бошқа илмлар қатори ««Мусталаҳул ҳадис»» илмига ҳам аста-секин қайта мурожаат қилиш бошланди. Бу муҳим илмдан дарслар ўтилиши қайтадан йўлга қўйила бошлади. Эски услубда ёзилган китоблар билан бир қаторда янгилари ҳам пайдо бўла бошлади. Бошқа исломий илмлар каби кўп бўлмаса ҳам, баъзи илм толиблари бу илмга мутахассис бўлиш учун ҳаракат қила бошладилар.

Шунингдек, ««Мусталаҳул ҳадис»» илмига оид илмий анжуманлар ҳам, оз бўлса-да, ўтказила бошланди. Мазкур ҳаракатларнинг самараси ўлароқ янги дарслик китоблар ва илмий асарлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Қуйида бизнинг асримизда ёзилган ««Мусталаҳул ҳадис»» илмига оид баъзи китоблар билан таништириб ўтишга ижозат бергайсиз.

1. Қоваидут-тахдийс.

Бу китобни Муҳаммад Жамолуддийн ибн Муҳаммад Саъийд ибн Қосим ибн Солиҳ ибн Исмоил ибн Бакр Қосимий Димашқий тасниф қилган. У киши ҳижрий 1283-санада туғилиб, 1332-санада вафот этган. (1866 – 1914 м). Муҳаммад Жамолуддийн Қосимийни «Шомнинг алломаси» деб атайдилар. У киши турли исломий илмлар бўйича етмиш тўққизта китоб ёзган. Жумладан, Қуръони Каримга тафсир ҳам ёзган ва у китоб «Тафсири Қосимий» номи билан машҳур бўлган.

«Қоваидут-тахдийс»нинг тўлиқ исми «Қоваидут-тахдийс мин фунуни Мусталаҳул ҳадис» бўлиб, жуда ҳам фойдали китобдир. Муаллиф бу китобни ёзишда аввалги машҳур китоблардан унумли фойдаланган.

2. «Тавжийхун-назар ила усулил асар».

Бу китобнинг муаллифи шайх Тоҳир ибн Солиҳ ибн Аҳмад Жазоирий Дамашқийдир. Нисбатдан кўриниб турибдики, бу киши асли жазоирлик бўлиб, кейинчалик Дамашқда яшаб ўтган. У киши ҳижрий 1338-санада вафот этган.

Шайх Тоҳир ибн Солиҳ ибн Аҳмад Жазоирий «Қоваидут-тахдийс»нинг муаллифи шайх Муҳаммад Жамолуддийн Қосимий билан ҳамаср бўлган. У кишининг китоби илмийлиги билан ажралиб турган. Бошқача қилиб айтганда, ушбу китоб мутахассисларга мос қилиб ёзилган.

Шайх Тоҳир ибн Солиҳ ибн Аҳмад Жазоирий ўзининг «Тавжийхун-назар ила усулил асар» китобини ёзишда Ҳоким Найсабурийнинг «Китабу улумил ҳадис»идан ва Ибн Аби Ҳотим Розийнинг «Илалул ҳадис» китобидан кенг равишда фойдаланган.

3. «Ал-манҳалул ҳадийс фий улумил ҳадийс».

Бу китобнинг муаллифи Муҳаммад Абдулазийм Зарқонийдир. У киши Мисрдаги «Ал-Азҳар» дорулфунунининг уламоларидан бўлган. Усулуддийн қуллиясининг даъват ва иршод қисмида «Улүмүл Қуръон» ва

